

**ИСТАНБУЛ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ ТАВСИЯЛАРИ ДОИРАСИДА
ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИГА ПОРА СЎРАШ, ПОРАНИ ВАЪДА
ҚИЛИШ, ТАКЛИФ ЭТИШ ВА ПОРА БЕРИШ ВАЪДАСИ ЁКИ
ТАКЛИФИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ЖОРИЙ
ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

Абдурахмонов Бахтиёржон Илхомович,

Мажбурий ижро бюроси Тошкент вилояти бошқармаси катта инспектори,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети мустақил изланувчиси

E.mail: mr_bakhty@inbox.ru

АННОТАЦИЯ: Мақолада Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш тармоғи Истанбул ҳаракатлар режасига аъзо мамлакатларда порани ваъда қилиш, таклиф этиш ва тақдим этиш учун жорий қилинган жавобгарлик ҳамда мониторинг тавсиялари доирасида миллий жинойт қонунчилигига порани ваъда қилиш, таклиф этиш ва пора бериш ваъдаси ёки таклифини қабул қилиш учун жавобгарлик жорий қилишнинг аҳамияти баён қилинган.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР: ноқонуний афзаллик, пора сўраш, порани ваъда қилиш, таклиф қилиш, криминализация, жавобгарликка тортиш.

Актив порахўрлик таркибининг мажбурий элементи сифатида қараладиган оммавий мансабдор шахсга қасддан бирон афзалликни ваъда қилиш, таклиф қилиш ёки тақдим этиш Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Конвенцияси, Европа Кенгашининг Коррупция учун жинойт жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси ва БМТнинг коррупцияга қарши Конвенциясига мувофиқ жинойт жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этилади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу Конвенцияларнинг барчасида бундай хатти-ҳаракатларни алоҳида тугалланган жинойт сифатида жавобгарликка тортиш зарурлиги тўғрисида қоидалар мавжуд. Шу билан бирга, ноқонуний афзалликни сўраш ва бундай афзалликни таклифини/ваъдасини қабул қилиш тугалланган ва автоном таркиб сифатида жинойт жавобгарликка тортилиши керак.

“Ваъда” пора олувчининг пора олиш талабини қўйган ёки қўймаганлигидан қатъи назар, пора берувчининг кейинроқ (масалан, мансабдор шахс пора берувчи талаб қилган ҳаракатни бажаргандан сўнг) ноқонуний афзалликни беришни ўз зиммасига олганида вужудга келади.

“**Таклиф**” пора берувчининг ноқонуний афзалликни беришга тайёрлигини билдирганида вужудга келади.

“**Тақдим қилиш**” пора берувчининг аслида ноқонуний афзалликни топширганда юзага келади.

“**Сўраш**” мансабдор шахс бошқа бир шахсга, у шахс мансабдор шахс ҳаракатни амалга ошириши ёки ундан воз кечиши учун пора тўлаши кераклигини аниқ ёки билвосита билдирганида содир бўлади.

“**Пора бериш таклифи ёки ваъдасини қабул қилиш**” мансабдор шахс бундай таклиф ёки ваъдага жавобан келгусида бериладиган порани олишга тайёрлигини билдирганда вужудга келади.

“**Қабул қилиш**” мансабдор шахс ёки бошқа бирор шахс томонидан ноқонуний афзалликни амалда қабул қилишини англатади. [1.]

Истамбул ҳаракатлар режасига аъзо барча мамлакатларда давлат секторида пора бериш ва олишга жиноий жавобгарлик ўрнатилган.

2011 йилда Озарбайжон ва 2012 йилда Арманистон пора сўраш ва пора таклифини/ваъдасини қабул қилишни ўзининг жиноят қонунчилигига жорий қилган бўлса, 2013-2014 йилларда Украина ноқонуний афзаллик ваъдасини ва таклифини/ваъдасини қабул қилишни, шунингдек, порахўрликни барча таркибида (давлат ва хусусий секторда) ноқонуний афзалликни тақдим қилишни сўрашни криминализация қилди. Мўғулистон 2017 йилда қабул қилинган янги Жиноят кодексида пора бериш таклифи ва пора беришга ваъда қилишни криминализация қилди. [2. 242-Б] (*Қуйидаги жадвалга қаранг*)

Истанбул ҳаракатлар режасига аъзо мамлакатларда “порахўрлик” жинояти таркибий белгиларини криминаллаштириш

	Таклиф	Ваъда	Сўраш	Таклиф ёки ваъдани қабул қилиш
Арманистон	1	1	1	1
Озарбайжон	1	1	1	1
Грузия	1	1	1	1
Қозоғистон	m	m	m	m
Қирғизистон	1	1	m	1 (фақат таклиф)
Мўғулистон	1	1	m	1
Тожикистон	m	m	m	m
Украина	1	1	1	1

Ўзбекистон m m m m
l Ха m Йўк

Манба: ИХР мониторинг ҳисоботлари [2. 243-Б]

Қирғизистон Республикаси янги Жиноят кодексига (2019 йилда қабул қилинган) пора бериш таклифи ёки пора бериш ваъдаси ва уни қабул қилишни мустақил тугалланган жиноят сифатида жавобгарлик жорий қилинган.

Истанбул ҳаракатлар режасига аъзо мамлакатлар орасида Украина Жиноят кодексига “таклиф” ва “ваъда” тушунчаларини таърифни киритган ягона мамлакатдир.

Истанбул ҳаракатлар режаси мониторингнинг Ўзбекистонга оид 3-раунд ҳисоботида пора бериш ваъдаси ва таклифи, шунингдек, ҳам давлат, ҳам хусусий секторда ҳар қандай ташкилот, корхона, муассаса мансабдор шахси томонидан пора беришга ундаш БМТ Конвенцияси қоидаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши кераклиги борасида тавсия [3. 226-Б] берилган бўлсада, бу борада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига тегишли ўзгартиришлар киритилмади.

Мониторинг гуруҳи ташрифи давомида Ўзбекистон томонидан юқорида қайд этилган элементларни криминализация қилиш масаласи бугунги кунда ҳал этилмаганлиги эътироф этилган. [3. 229 Б]

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига хусусий секторда порахўрликни жиноий жавобгарликка тортадиган асосий таркиблар (Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш, Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш) ҳам БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясини 21-моддасида назарда тутилган барча элементларни ўз ичига олмайди.

Ҳолбуки, БМТнинг коррупцияга қарши Конвенцияси ва халқаро аксилкоррупция стандартларига мувофиқ, пора сўраш, пора бериш ваъдаси ва таклифи ҳамда уни қабул қилиш алоҳида тугалланган жиноят сифатида жавобгарликка тортиш зарурлигини белгилаб берган бўлсада, амалдаги жиноят қонунчилигимизда пора сўраш, порани ваъда қилиш, таклиф этиш ва пора бериш ҳақидаги ваъдани ёки таклифни қабул қилиш каби ҳаракатлар тегишли моддалар диспозициялари билан қамраб олинмаган.

Мазкур ҳолат бу каби ҳаракатларнинг тугалланмаган жиноят сифатида квалификация қилиниши ёки умуман жиноят деб топилмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинки, БМТ Конвенцияси ҳамда халқаро стандартларга асосланган ҳолда пора сўраш, порани таклиф қилиш, ваъда қилиш ва пора бериш ҳақидаги ваъдани ёки таклифни қабул қилиш каби ҳаракатларни тугалланган жиноят сифатида эътироф этиш ҳамда миллий жиноят қонунчилигимизга ушбу қилмишларни тегишли моддалар билан қамраб олиш лозим. Чунки, бу каби қилмишлар ўз тавсифига кўра тугалланган пора олиш ва бериш жиноятлари каби ижтимоий хавfli саналади.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Европа Кенгашининг Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенциясига тушунтириш хисоботи. 41-42 параграфлар. (Электрон манба) <https://www.coe.int/en/web/conventions/full-list/-/conventions/treaty/173>, ва ИХТТнинг “Коррупция. Жиноят ҳуқуқининг халқаро стандартлари луғати”. (Электрон манба) <https://www.oecd-ilibrary.org/finance-and-investment/73eb1fd4-ru>
2. “Антикоррупционные реформы в Восточной Европе и Центральной Азии - Прогресс и вызовы, 2016-2019.” (электрон манба) <https://www.oecd.org/corruption/anti-bribery/OECD-Anti-Corruption-Reforms-Eastern-Europe-Central-Asia-2016-2019-RUS.pdf>.
3. ИХТТ Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракатлар режаси Мониторингининг Ўзбекистон бўйича 4-раунд хисоботи (электрон манба) <https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round-Monitoring-Report-2019-RUS.pdf>.